


9-20-2019

## THE MEANS OF REVEALING THE SIGNIFICANCE OF SPEECH ACTS

Vazira Kholmatova Researcher  
*Karshi Engineering Economics Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kholmatova, Vazira Researcher (2019) "THE MEANS OF REVEALING THE SIGNIFICANCE OF SPEECH ACTS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 60.

DOI: 10.36078/987654363

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/60>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Вазира Холматова

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти  
тадқиқотчиси

### НУТҚИЙ АКТЛАР МАЗМУНИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР

#### АННОТАЦИЯ

Мақола тилшуносликда нутқий актлар мазмуни воқелантирувчи воситаларнинг илмий-назарий таҳлиliga бағишланган. Сўзловчи нутқий ҳаракатини кутилаётган жавобга мос равишда бажаришга интилади. Мулоқот вазиятида юзага келаётган талабларни қондириш амалиёти нутқий актларни алоҳида таъкид, қатъият билан бажариши, шунингдек, таъкидсиз ва нейтрал (бетараф) нутқий актлар ҳам ҳосил бўлиши кузатилади. Мулоқот жараёнида сўзловчининг коммуникатив мақоми бошқаларникидан юқорироқ. Сўзловчи ушбу жараёнда тингловчига йўналтирилган ахборот ташувчиси бўлган нутқий актни яратади. Бу нутқий акт луғавий-грамматик ҳодиса бўлмасдан, балки прагматик бирликдир.

Нутқий тузилманинг у ёки прагматик-модал вариантини танлашда асосий вазифани мулоқотдошларнинг ижтимоий роли ўтайди ва ушбу ролни белгиловчилар қаторига қуйидагилар киради: 1) инсоннинг туғилишдан эгаллайдиган роли (жинс, миллат, элат); 2) ижтимоий мақом (жамиятда эгаллаган ўрни); 3) маълум вазиятда бажарадиган вазифаси.

**Калит сўзлар:** нутқий акт, модал, прагматик мазмун, мулоқот контексти, нутқий ҳаракатлар, нутқий тузилма, нутқий бирликлар, модал операторлар, пропозиция, таъкид-ли, таъкидсиз.

## Vazira Kholmatova

Researcher of Karshi Engineering Economics Institute

### THE MEANS OF REVEALING THE SIGNIFICANCE OF SPEECH ACTS

#### ABSTRACT

The article is devoted to the scientific and theoretical analysis of the devices actualizing the content of the speech statements, since any speaker tries to fulfill his/her speech motions appropriately to the expected result. The practice of reaching a pragmatic effect in the communication, at the time of fulfilling the speech statements with special emphasis and precision, may have some specific nuances. In such process the speaker creates a speech statement delivering the information directly to the listener. This speech statement is neither lexical or grammatical phenomenon, but a pragmatic unit.

Social role of interlocutors is of concern in choosing particular pragmatic-modal variant of the speech structure. The very process urges the following: 1) the characteristics of the person from birth (sex, nationality, nation); 2) social status; 3) position in a certain situation.

**Key words:** speech statement, modal, pragmatic content, communication context, speech motions, speech structure, speech units, modal operators, proposition.

## КИРИШ

Мулоқот контекстида кўзланаётган мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи ушбу мақсадни лисоний шакллантиришга йўналтирилган қатор когнитив амалларини бажаради. Бундан ташқари, ўз мақсадини ифодалаётган шахнинг онгида адресатдан кутилаётган жавобнинг тахминий қолипи ҳам шаклланиб улгуради. Шунга биноан, сўзловчи ўз нутқий ҳаракатини кутилаётган жавобга мос равишда бажаришга интилади. Мулоқот вазиятида юзага келаётган талабларни қондириш амалиёти нутқий актларнинг алоҳида таъкид, қатъият ила бажариши билан бирга таъкидсиз ва нейтрал (бетараф) нутқий актлар ҳам ҳосил бўлиши кузатилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ягона прагматик мазмун таъкидли ёки ҳеч қандай таъкидсиз узатилиши мумкин. Мазмуннинг бу сирадаги ўзгариши, одатда, икки қарама-қарши йўналишда кечади ва бунда марказда нейтрал прагматик мазмун туриб, кейинги қутбларда таъкид ёки кучаяди ёки сустлашади. Нейтрал ҳолатда тингловчи хабарни қайси мазмунда қабул қилиш борасида ҳеч қандай қўшимча маълумотга ишорани топа олмайди. Ушбу турдаги нутқий тузилмалар муносабатини қуйидаги расмда тасвирлаш мумкин (Чизма 1):

### таъкидсиз тузилма ← нейтрал тузилма → таъкидли тузилма

Нутқий тузилма мазмунига ўзгартиришлар киритиш мулоқот самарасини ошириш билан боғлиқ ва у ёки бу вариантнинг қўлланишини коммуникантлар ўзаро муносабати тақозо этади. Бунда, субъектларнинг ўзаро ҳамкорликка киришишга тайёргарлиги муҳим ўринни эгаллайди. Шахслараро муносабат, ўз навбатида, турли кўринишларда кечади, чунки у ижобий, салбий, бепарк, бир-бирини англай олиш ёки олмаслик руҳида бўлиши мумкин. Зотан, инсоннинг “қундалик амалий фаолияти маълум мақсадга қаратилади, аниқ дастур асосида амалга оширилади, онгли-эркин хусусиятга эга бўлади” [Чориев А., 2007; 382].

Нутқий тузилманинг у ёки прагматик-модал вариантини танлашда асосий вазифани мулоқотдошларнинг ижтимоий роли ўтайди ва ушбу ролни белгилловчилар қаторига қуйидагилар киради: 1) инсоннинг туғилишдан эгаллайдиган роли (жинс, миллат, элат); 2) ижтимоий мақом (жамиятда эгаллаган ўрни); 3) маълум вазиятда бажарадиган вазифаси. Шунингдек, коммуникантларнинг ёши, маданияти ва эмоционал-руҳий ҳолати ҳам танловга таъсир ўтказади. Санаб ўтилган омилларни “контекстуал прагматик муҳит” бирликлари сифатида қараш маъқулдир. Баъзи тилшунослар нутқий акт таркибида иллокутив ҳаракатни ажратадилар ва уни сўзловчи томонидан самарага эришиш учун бажарилган танлов натижаси, деб қарайдилар [Naverkate H., 1999].

Прагматик вистлар таклиф қилишган таснифлардаги нутқий актлардан (констатив, директив, савол) ҳар қандай таъкидли, нейтрал ва таъкидсиз кўринишларда воқеланиши мумкин.

Констатив нутқий актининг прагматик мазмуни асосан эпестимик модаллик билан боғлиқ яъни маълум қилинаётган ахборотнинг сўзловчи томонидан мумкинлик ёки эҳтимоллик нуқтаи назаридан баҳоланади. Ушбу маънонинг ифодаланиш

даражаси турлича, у тасдиқдан инкоргача бориб етиши мумкин. Тилшунос Марион Краузе эпистемик модаллик майдонида “тўлиқ ишонаман”, “қарийб ишонаман”, “яхшиси ишонаман”, “ишонмайман” каби маъноларни фарқлашни ихтиёр қилган [Krause., 2007; 250].

Шунга ўхшаш фикрни инглиз семантиги Ж.Лайонз ҳам билдиради. Унинг қайдича, тасдиқ маъноси “қатъий тасдиқдан – эҳтимолий тасдиқгача” даражаланиши мумкин [Lyons., 1997] ҳамда бундай вариантлашувининг “ишончли тасдиқдан-ишончсиз тасдиқгача” етиб келиш эҳтимоли йўқ эмас.

Мулоқотда самарага эришишнинг яна бир шarti – тингловчи эшитаётган мазмунни сўзловчи мақсадига муқобил равишда қабул қилиши лозим. Тингловчи нутқий тузилманинг мазмунини энг аввало лисоний қобилияти, яъни тилни билиши даражасида фахмлайди. Демак, сўзловчи ҳам нутқий мазмунни (масалан, тасдиқли хабарни) қатъиятлаштириш ёки юмшатиш учун шу мақсадни рўёбга чиқариш хизматини ўтайдиган лисоний бирликларга мурожаат қилади. Хабар тасдиғини таъкидловчи ёки кучайтирувчи маънога эришишни таъминловчи лисоний воситалар турли кўринишга эга бўлиши мумкин. Нутқий фаолият жараёнида бундай вазифани ўтайдиган воситалар одатда, “индикаторлар” (indicators) ёки “операторлар” (operators) деб номланади. Баъзи тилшунослар ушбу воситаларни эпистемик модаллик категорияси билан боғлаб, уларни сўзловчининг ўзи маълумот бераётган воқеа-ҳодиса ҳақида ахборотнинг ҳақиқийлигига ишончини тасдиқловчи “эпистемик квалификаторлар” (epistemic qualifiers) сифатида фарқлайдилар [Aijmer., 1990; 11].

Констатив нутқий актлари мазмунининг таъкидланиш даражаси таҳлилида бошланғич нукта сифатида таркибида ҳаққонийлик ёки қатъиятlilikка ишора қилувчи ҳеч қандай узв мавжуд бўлмаган нейтрал тузилма олинади. Нейтрал констативни тингловчи ўз истагига биноан қабул қилади, чунки сўзловчи унга хабарни эҳтимолли ёки ҳақиқатга яқин қабул қилиш тўғрисида бирон бир кўрсатма бермайди.

Алоҳида таъкидсиз бажариладиган констатив нутқий акти энг кенг тарқалган ва нисбатан кўп ўрганилган тузилмадир. Таъкидсизлик ёки қатъиятсизlilikка ишора қилувчи лисоний воситалар пропозициянинг турлича даражада эҳтимоллик эканлигини кўрсатувчи операторлардир. Шунинг учун ҳам бу турдаги нутқий тузилмалар кўпроқ илмий дискурсга оид матнларда учраб, илмий фикрнинг мулойим оҳангда баён қилиниши, мулоҳазани охиригача айтмасдан баҳс, мунозара учун имкон қолдириш мақсадида қўлланилади.

Илмий изланишлар натижасида шу нарса аён бўлдики, нутқий актларнинг таъкидли/таъкидсиз вариантлари дастлабки ўринда сўзловчининг узатилаётган ахборотга ишончи ёки гумони билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва шунга нисбатан уларнинг адресатга таъсир кучи ўсиб боради. Нутқий актнинг таъкидсиз тури воқеланишида тингловчига уни қандай қабул қилиш ихтиёри берилади. Демак, таъкидсизлик модуси ишончсизlilik, гумон, фараз қилиш, эҳтимоллик, мумкинлик каби модал маъноларни қамраб олади.

Шу сабаб, нутқий акт мундарижасидаги таъкидсизlilikни ҳеч тортинмасдан модал-прагматик мазмун доирасига киритиш лозим. Ушбу маъно тил тизимида олдиндан мавжуд бўлмасдан, балки фақат мулоқот жараёнида юзага келади. Мазкур талқин нутқий тузилманинг юқоридаги турини маълум даражада сўзловчининг ах-

боротнинг реаллигига ишончсизлигидан дарак беради.

Ахборот узатишда таъкиднинг кучсизланиши прагмалингвистикада кенг муҳокама қилиб келинаётган ҳурмат категориясининг воқеланиши билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Таниқли прагмалингвист И.Б.Сусовнинг қайдича, мулоқот жараёнида сўзловчининг коммуникатив мақоми бошқаларникидан юқорироқ. Сўзловчи ушбу жараёнда тингловчига йўналтирилган ахборот ташувчиси бўлган нутқий актни яратади. Бу нутқий акт луғавий-грамматик ҳодиса бўлмасдан, балки прагматик бирликдир. Лекин коммуникатив (прагматик) кучга яратилган нутқий тузилма ёки қандайдир бир гап модели эмас, балки сўзловчининг ўзи эга, чунки айнан у мазкур нутқий актда ўзининг коммуникатив энергиясини намоён қилади. Мантиқшунос Г.П. Грайс шахслараро мулоқот қоидалари ҳақида гапираётиб, энг асосий тамойил сифатида *Be relevant!* тамойилини ажратган эди. Унга биноан сўзловчига асосиз гапирмаслик маслаҳати берилади [Грайс., 1985]. Бироқ сўзловчи ўз мақсадини лисоний ва нолисоний кўрсаткичлар воситасида ифодалаб, тингловчининг махсус мантиқий амаллар асосида қабул қилиши кутиладиган мазмунни етказди.

Нутқий акт қанчалик қатъиятсизлик билан ижро этилса, у шунчалик ҳурмат категориясига ҳозиржавоб кўринади. Е.М.Вольфнинг фикрича, таъкиднинг кучсизланиши асосида “Г.Грайснинг “ҳамкорлик” ва Ж.Личнинг “ҳурмат” тамойиллари туради” [Вольф., 1985; 108]. Ушбу тамойилларда суҳбатдош учун кўпол туюладиган фикрни юмшатиш назарда тутилади, зеро бунда хушмуомалалик ва ҳақгўйлик уйғунлашади. Шундай хусусиятга тахмин, эҳтимоллик, маслаҳат, илтимос, таклиф, мурожаат, танишиш, хайрлашув, қўллаб-қувватлаш нутқий ҳаракатлари эга эканлиги маълум бўлади.

## НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Таъкидли констатив нутқий актни, аксинча, берилаётган хабарнинг муҳимлиги, ҳақиқийлигини ифодалаётиб, адресатга таъсирини кучайтиради. Чунки сўзловчи тингловчини берилаётган ахборотнинг ростлиги ва муҳимлигига ишонтиришга, унинг гумонларини йўқотишга ҳаракат қилади.

“Ўзбек тили изоҳли луғати”да “қатъий” сўзи “узил-кесил”, “тўлик”, “жиддий”, “батамом” каби маъноларда изоҳланади. Қатъиятлилик алоҳида таъкид орқали юзага келади. Биз ушбу маънони нутқий тузилмага ишончлилик ва аниқ кўринишда тушуниш руҳини берувчи ҳодиса сифатида талқин қилиш тарафдоримиз. Қатъиятли, таъкидли нутқий тузилма коммуникатив ниятни керакли самарага эришиш мақсадида амалга оширилади. Таъкид доирасида иккита марказий ижрочи-категория ажралади, улардан биринчиси сўзловчининг модал муносабатига ишора қилувчи субъект категорияси бўлса, иккинчиси қатъий таъсирни қабул қилувчи адресат категориясидир.

Ростгўйлик, ҳақиқийлик модал маъносига эга бўлган таъкидли констатив нутқий акти ижросида тингловчининг хабар ҳақида бошқача фикрга эга бўлиши тўғрисидаги пресуппозиция ўз кучини сақлайди. Бундай ҳолатда билдирилиши мумкин бўлган эътирознинг олдини олиш йўллари қидирилади. Аммо таъкид ёки қатъийликни ҳеч қандай истисносиз “муқаррарлик”ка тенглаштириш нотўғри бўлса керак. Бизнинг фикримизча қатъиятлилик модуси ўзаро қарама-қарши тура-

диган маънолар қаторларидан иборат (Жадвал 1):

**1-жадвал.**

ноқатъиятлилик	қатъиятлилик
мумкинлик	ҳақиқийлик
эҳтимоллик	ишончлилик
ноаниқлик	аниқлик
гумон	ишонч

Констатив нутқий актининг модал мазмунида ростлик, реаллик, аниқлик семаларининг мавжудлиги, бир томондан, ишонч субъектив модаллиги қўламига киритса, иккинчи томондан, таъкид хусусиятини беради. Мабодо констативнинг модал мазмунидан эҳтимоллик, мумкинлик, ноаниқлик семалари ўрин олса, унда гумон маъноси устуворлик қилиб, нутқий тузилма таъкидсиз кўринишни олади.

Нутқий бирликларнинг модал мазмуни бевосита унинг прагматик мўлжали билан алоқадор эканлиги боис, таъкидланмаслик ҳаракати ҳам сўзловчининг коммуникатив ниятига мос равишда кечади ва узатилаётган хабар тасдиққа айланади. Тилшунослар констатив нутқий актининг модал ва прагматик мазмунидаги фарқларини инобатга олиши, унинг қуйидаги турларини ажратадилар: асл констатив, суппозитив, дедуктив ва эвидентив [Беляева., 1987; 66]. Бундай таснифда сўзловчининг хабар ҳақиқийлиги ҳақидаги маълумотни ўз зиммасига олиши ёки бошқа бировнинг фикрига суянаётганлиги муҳимдир. Буларнинг бирида сўзловчи мантикий хулосага келса, иккинчисида эса эҳтимол қилмоқда. Бизнинг сезишимизча, ажратилаётган нутқий ҳаракатлар асосан таъкид ва таъкидсизлик маъно хусусиятлари билан фарқланадилар.

Констатив нутқий актларининг вокеланишида турли гуруҳларга оид феълларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Феълларнинг нутқий актлар бўйича тақсимооти махсус луғатларда келтирилган. Жумладан, таъкидсиз констатив нутқий актлари қуйидаги қаторлардаги феъллар воситасида аталади:

а) “фараз қилмоқ”, “ҳисобламоқ” маъносидаги *guess, bet, presume, conjecture, suspect, suppose, reckon* феъллари. Ушбу феъллар эҳтимолликнинг турли даражаларини ифодалайди. Бу гуруҳдаги феълларнинг қўлланиши сўзловчига берилаётган ахборотни алоҳида таъкидлашга ҳеч қандай имконият қолдирмайди. А.Вижбицка *bet* феълини “нооқилона ишонч” маъносига эга, деб ҳисоблайди, аммо қатъиятлилик занжирининг кейинги тугунларида жойлашадиган *presume* феълнинг модал мазмунида “ишонч йўқлигига ишора қилувчи” сема йўқ [Wierzbicka., 1987; 261]. Айни пайтда *presume* феъли вокелантирадиган “тахмин қилиш” мазмунидаги нутқий акт *guess* феъли иштирокидаги нутқий актга қиёсан қатъиятлироқ эшитилади. Бу қаторнинг охирида турадиган *conjecture* ва *suspect* феъллари “бирор нарса ҳақида маълумот йўқлигига” ишора қилади [Wierzbicka., 1987; 262]. Ушбу феъллар тасдиқнинг кучли эмаслигидан хабар бериб, сўзловчининг ишончи *suspect* феъли қўлланишига нисбатан анча юқори эканлигидан дарак беради. Шу гуруҳдаги *suppose* иштирокидаги нутқий акт эса тингловчига фикр, нуқтаи назарни ҳеч қандай далилсиз етказишга хизмат қилади. Ниҳоят, *reckon* феъли вокелантирадиган нутқий акт эҳтимолнинг кучли ифодаланишидир.

Нейтрал констативлар эса бошқа гуруҳдаги феъллар ёрдамида воқеланади ва булар қаторига “маълум қилиш” мазмунидаги say, inform, notify, report кабилар киради.

Энг катта гуруҳни, албатта, таъкидли констативни ифодаловчи феъллар ташкил қилади:

а) ушбу феъллар орасида энг олдинги ўринни сўзловчининг берилаётган ахборотга ишончини алоҳида таъкидловчи tell бирлиги эгаллайди;

б) иккинчи гуруҳни “хабар бермоқ”, “таъдиқламоқ” маъносига эга бўлган state, declare феъллари ташкил қилади;

в) “таъдиқламоқ”, “қайд этмоқ” маъносидаги assert, maintain, claim, affirm каби феъллар ҳам сўзловчининг ишончига ишора қилади. Ҳарҳолда, affirm ва assert феълларини қўллаётган сўзловчининг ҳеч қандай далилга асосланмаса-да, лекин адресатга ўз ишончини етказишга ҳаракат қилаётганидан гувоҳлик беради;

г) “ишонтириш” маъносидаги insist, assure феъллари тингловчини бирор нарсага ишонтириш учун ўз фикрида маҳкам туриш ҳаракатини ифода этади. Улар воситасида ифодаланадиган нутқий актлар дангаллик намунасиدير;

д) promise, guarantee феъллари қўлланилган нутқий актлар сўзловчи келажакда содир бўлишига ишонадиган воқеалар ҳақида маълум қилади. Бундан ташқари, кафолат бериш билан боғлиқ нутқий ҳаракати ваъдага нисбатан қатъиятлироқ кўриниш олади, чунки кафолат нутқий актининг қўлланиши адресатда қабул қилинаётган ахборотга нисбатан гумонсираш борлигидан хабар беради;

е) констатив нутқий актларидан энг таъкидлиси қасам ичиш билан боғлиқ ҳаракат бўлса керак. Зеро, қасам ичаётган шахс кўпинча ҳақиқатни сўйлаётганига ишонади. Мазкур нутқий актни воқелантирувчи бирлик – swear феълдир.

Шундай қилиб, констатив нутқий актининг турли вариантлари таъкидли хусусиятга эга бўлишлари мумкин. Бироқ, ҳар қандай констатив қатъиятли мазмун олишига ишониш қийин. Чунончи, констативнинг вариантларидан бири бўлган дискриптив нутқий ҳаракати, фақат воқеаларни оддий тавсифлаш хусусиятига эга бўлгани учун, таъкид кўрсаткичига эга бўла олмайди.

Таъкидли констатив-мулоқот жараёнида кучайтирилган иккиламчи прагматик мазмунни ифодаловчи нутқий тузилмадир. Бинобарин, ушбу тузилма алоҳида таъкидланган розиликни, асосли эътирозни, рад жавобини ифодалаши кузатилади. Шунингдек, таъкидли констатив нутқий акти охири баҳо ҳукми бўлиб, унда баҳо, гап прагматик мазмунининг кўрсаткичига ишора қилиб, коммуникатив мақсадни ифодаловчи семантик структура марказидан ўрин олади. Маълумки, туб баҳо маъноси сўзловчининг воқеа ҳақидаги алоҳида нуқтаи назарини тингловчига етказиш ва шу йўсинда уни ушбу фикрга қулоқ солишга ундаш усулидир.

Айтиш жоизки, таъкидлаш ҳаракати аслини олганда баҳо нутқий актлари учун унчалик муҳим эмас, чунки таъкидли нутқ сўзловчининг ўз фикрининг тўғрилигига ишончидан гувоҳлик беради ва у ушбу прагматик воситадан перлокутив самарага эришиш, яъни тингловчи ҳиссиётига таъсир ўтказиш учун фойдаланади.

Юқорида гуруҳлар буйинча тақсимланган нутқий акт феъллари ягона функционал-семантик майдон доирасида бирлашадилар, уларнинг маънавий

алоқадорлиги тизимийлик хусусиятига эга ва бу хусусият таъкидлаш маъносининг интенсивлашиб ёки кучайиб боришида намоён бўлади.

Баҳо маъносининг кучайиши, бир томондан, ҳақиқийлик ёки ишончлиликни мустаҳкамласа, иккинчи томондан эмоционал-баҳо тузилмасининг денотатив маъносини олдинга суради. Бундай шаклдаги когнетив интенсивлик нутқий тузилманинг прагматик имкониятларини ошириб, адресат эмоционал ҳолатини ўзгартиради ва уни хабарни ҳеч қандай истисносиз қабул қилишга ундайди. Коммуникатив-прагматик категория сифатида ажратилаётган таъкидли констатив ўз ифода воситалари захирасига эга. Е.Стариковани фикрича, мазкур нутқий актни шакллантирувчи операторлар луғавий, морфологик, синтактик, луғавий-синтактик ва матн бирликлари бўлиши кузатилади [Старикова., 1985; 81-90].

Таъкидли констативни ифодаловчи операторлар прагматик мазмуни турлича кўриниш ва усулларда ўзгартирадilar. Мазкур операторлар бажараётган вазифалари, табиати ва маънавий имкониятларига нисбатан икки асосий гуруҳга тақсимланади: 1) модал операторлар; 2) коммуникатив операторлар. Ушбу гуруҳларнинг ажратилиши перлокутив самарага эришишнинг турли амалларига асосланган. Биринчи ҳолатда сўзловчи адресатга маълум қилинаётган пропозицияга ишончини таъкидламоқда. Иккинчисида эса оператор адресатга тўғридан-тўғри таъсир ўтказиши ва бунинг натижасида у қабул қилинаётган ахборотнинг ростлиги, ҳақиқийлигига ишониши шарт. Тадқиқотчилар нутқий тузилма прагматик мазмунига “субъектив таъсир” ҳодисасини ўрганаётиб, унинг алоҳида кўринишлари мавжудлигини таъкидлайдилар: а) интеллектуал тур (модал бирликлар воситасида эришилади); б) нооқилона асосга эга бўлган ҳис-ҳаяжон (бу ҳолатда пропозиция ўзгаради); в) “сўзловчи-тингловчи” муносабатини бошқарувчи воситалар [Traugott., 1997; 185-210]. Ажратилган воситалардан баъзилари коммуникатив операторларга мос келади ва бунда тингловчи руҳий ҳолатига ўтказиладиган таъсир муҳимлашади. Сўзловчи эса нутқий тузилма мазмунини бойитиш йўллари излайди.

## ХУЛОСА

Констативнинг прагматик мазмуни билдирилаётган фикрнинг таъкидига мувофиқ равишда даражаланади. Шунга асосан, констатив нутқий акти таъкидли, нейтрал ва таъкидсиз кўринишларда воқеланиши мумкин. Ушбу вариантлардан қайси бирининг фаоллашуви турли лисоний ва нолисоний омиллар билан белгиланади.

Прагматик мазмундаги силжиш натижаси бўлган таъкидли констатив, бир томондан, берилаётган хабарнинг муҳимлиги, ҳақиқатлигини тасдиқласа, иккинчи томондан, адресатга кучлироқ таъсир ўтказиш мақсадини кўзлайди. Таъкид модуси пропозициянинг аниқлиги ва ишонлигига ишора қилувчи модал маъноларни камраб олади.

Модал операторларининг таъкид мазмунини ифодалашга иштирок этадиган семалари турлича. Пропозициянинг ҳақиқийлиги, ишончлигини қатъият ила таъкидлаш уларнинг асосий прагмасемантик вазифасидир. Лекин, ушбу вазифа ижросида ҳар хил модал маънолар воқеланишини инобатга олиб, модал операторларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: 1) сўзловчининг пропозиция ҳақиқийлигига ишончини ифодаловчи операторлар; 2) порпозициянинг тўғрилигига ишонч-



ни билдирувчи операторлар; 3) сўзловчининг пропозиция аниқлигига шубҳаси йўқлигини кўрсатувчи операторлар. Модал операторлар қаторига модал сўзлар, шу маънодаги бирикмалар, билиш ва ишонч модусининг кенгайтирилган предикатив тузилмалари ҳамда грамматик ва стилистик воситалар киреди.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Choriyev A. Inson falsafasi. –Т.: 2007. -416 b.
2. Haverkate H. Impositive Sentences in Spanish. Theory and Description in Linguistic Pragmatics. –Amsterdam.: 1999. -194 p.
3. Krause M. Epistemische Modalitat: Zur Interaction lexikalisher und prosodischer Marker. Weisbaden: 2007. S.250.
4. Boymirzayeva S. O‘zbek tilida matnning kommunikativ-pragmatik mazmunini shakllantiruvchi kategoriyalar. Avtoreferat. –Т., 2017. -86b.
5. Lyons J. Semantics. –L., Melbourne: V. 1. -1997. -371 p.
6. Aijmer K. Evidence and the Declarative Sentence. –Stockholm: -1990. -142 p.
7. Grays G. Logika i rechevoye obsheniye. Novoye v zarubejnoj lingvistike. –M.: Progress, 1985. –s 194-200.
8. Volf Ye.M. Funktsionalnaya semantika otsenki. –M.: 1985. -228 s.
9. Belyayeva Ye.I. Modalnost v razlichnykh tipax rechevnykh aktov. -1987. –s. 64-69.
10. Wierzbicka A. English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary. –Sydney.: 1987. -397 p.
11. Nuyts J. Epistemic modality, language and conceptualization: A cognitive-pragmatic approach. – Amsterdam: 2001.
12. Starikova Ye.N. Problemy semanticheskogo sintaksisa. –K.: Vishcha shkola, 1985. -122 s.
13. Traugott E. Subjectification and the development of epistemic meaning: The case of promise and threaten. Modality in Germanic Languages. –Berlin: 1997. – 185-210 p.

### REFERENCES

1. Choriev A. Human philosophy. -Т .: 2007. -416 b.
2. Haverkate H. Impositive Sentences in Spanish. Theory and Description in Linguistic Pragmatics. -American .: 1999. -194 p.
3. Krause M. Epistemische Modalitat: Zur Interaction lexikalisher und prosodischer Marker. Weisbaden: 2007. S.250.
4. Boymirzaeva S. Categories that form the communicative-pragmatic content of the text in Uzbek. Autoreference. -Т., 2017. -86b.
5. Lyons J. Semantics. -L., Melbourne: V. 1 -1997. -371 p.
6. Aijmer K. Evidence and the Declarative Sentence. -Stockholm: -1990. -142 p.
7. Grice G. Logic and verbal communication. New in foreign linguistics. –M .: Progress, 1985. –F 194-200.
8. Wolf EM Functional semantics of evaluation. –M .: 1985. -228 p.
9. Belyaeva E.I. Modality in various types of speech acts. -1987. -with. 64-69.
10. Wierzbicka A. English Speech Act Verbs: A Semantic Dictionary. –Sydney .: 1987. -397 p.
11. Nuyts J. Epistemic modality, language and conceptualization: A cognitive-pragmatic approach. - Amsterdam: 2001.
12. Starikova E.N. Semantic syntax problems. –K .: Vishcha school, 1985. -122 p.
13. Traugott E. Subjectification and the development of epistemic meaning: The case of promise and threaten. Modality in Germanic Languages. –Berlin: 1997. - 185-210 p.